

НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА ҚУРИЛГАН КАМ ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ЖАРАЁНИДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ .

Доцент С.Матъязов, магистр Ч. Алламов
Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти.

Энергия самарадор биноларни лойиҳалаш, қуриш ва қурилган биноларни эса таъмирлаш жараёнида энергия самарадор қилиб бажариш бугунги кун тобора долзарб масалаларига айланиб бормокда.

Ҳақиқатдан ҳам кейинги 2009-2014 йиллар мобайнида намунавий лойиҳалар асосида қурилиб эксплуатацияга топширилган кам қаватли турар-жой биноларида ўтказилган техник кўрик натижалари бинолар энергия самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи айрим ҳолатларни белгилашга имконият яратди:




- деворларда кенглиги 1-2 мм дан кам бўлмаган ёриқларнинг мавжудлиги;
- бино деворининг пойдеворга туташ қисмларида намлик аломатларининг учраши;
- ер устига қурилган тахта ва айрим ҳолатларда қўлланилган ДСП (ёғоч кириндили плиталар) полларда меъёридан ортиқ намлик вужудга келганлиги, нам тахталарни қўллаш натижасида тахталар оралиқлари очилганлиги;
- бино том ёпма қопламаларида иссиқ-совуқни ҳимояловчи материаллар калинликларининг лойиҳадан четланганлиги, том чордоқ қисмларида муҳандислик коммуникациялари қувурларини ўтказгандан кейин очик жойларнинг ва тешикларнинг тўлдирилмай қолдирилганлиги;
- ташқи пардоз сувоқ ишларининг бажарилиши куз, қиш ва баҳор фаслининг ёғингарчилик ва совуқ ойларда амалга оширилиши;
- ёғингарчиликлар натижасида бино фасадларининг намланиши ва бошқалар [2].

Турар-жой бинолари томёпма қисмида ишлатиладиган материаллар таҳлил қилинганда, лойиҳалашда бино томёпма қисмида қамиш плита 140 мм ва лой самонли сувоқ 50 мм қилиб лойиҳаланган бўлса, амалда эса

қамишли плита 60-80 мм ва лой сомонли сувоқ 15-20 мм қилиб бажарилган, бу бино том ёпма қопламаларида иссиқ-совуқни ҳимояловчи материаллар қалинликларининг лойиҳадан анча четланганлигидан далолат беради (1-жадвал).

1 -

жадвал

Кўриниши	Қатламлар
 Лойиҳада	Лой сомон қоришмали сувоқ, таркиби 1:0,5 қалинлиги - 50 мм; Қамишли плита, қалинлиги - 140 мм; 1 қатлам пергамин; темир-бетон плита - 220 мм.
 Амалда	Лой сомон қоришмали сувоқ, таркиби 1:0,5 қалинлиги 15-20 мм; Қамишли плита, қалинлиги 60-80 мм; 1 қатлам пергамин; Темир-бетон плита-220 мм.
 Тавсия қилинади	Пенобетон қатлам, қалинлиги (ҳисобий) мм; лой сомон қоришмали сувоқ, таркиби 1:0,5 қалинлиги (амалдаги) мм; Қамишли плита, қалинлиги (амалдаги) мм; 1 қатлам пергамин; Темир-бетон плита-220 мм.

Том чордоқ қисмларида муҳандислик коммуникациялари қувурлари ўтказилганидан кейин очик жойларнинг ва тешиklarнинг тўлдирилмай қолдирилганлиги ҳам энергия йўқотилишларига сабабчи бўлади (1-расм).

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида бинолар томёпма қисмига ҳисоблар асосида қабул қилинган қалинлик миқдорида пенобетон ётқизилишини тавсия қиламиз.

Олиб борилган тажрибалар ва тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, том ёпма тўсиқ конструкциялари материаллари ва қалинликлари аниқ

бўлганда турли қурилиш ҳудудлари учун пенобетон қопламаларини қўллаганда иссиқлик техникаси ҳисобларидан келиб чиқиб конструкциянинг иссиқлик ўтказишга умумий қаршилигининг, конструкция учун иссиқлик ўтказишга қаршилиқнинг талаб этилган қийматидан катта ёки тенглик шартининг бажарилиши инобатга олинган ҳолда пенобетон қопламаси қалинликлари қийматлари номенклатурасини тузишга имкон яратилади.



1 – расм. Том чордоқ қисмларида муҳандислик коммуникациялари қувурлари ўтказилганидан кейинги нуқсонлар.

Адабиётлар рўйхати.

1. С. Матъязов, Ч. Алламов “Намунавий турар-жой бинолари қурилишида замонавий материаллар ва қурилмаларга эҳтиёж. Книга-1 «Современные проблемы строительных материалов и конструкций» 2013 йил 19 - 20 апрель . -370 б.